ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ,
ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (13.194)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АНГРЕН – ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Ҳурматли дўстлар, азизларим, қадрдонларим!

Аввалambор, мана шундай улкан, ҳақиқатан ҳам ноёб лойиҳани амалга оширишда иштирок этган, ўзининг фидокорона меҳнати, азму шижоати билан ҳаммамиз, бутун халқимиз учун бугунги қувончли воқеа, тарихий кунни тақдим этган барча инсонларни, сизларнинг ҳар бирингизни, бутун элюртимизни бағримга босиб, тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган шундай мислсиз ютуқ билан чин қалбимдан самимий мубораквод этишдан бахтиёрман.

Ўзининг мардона меҳнати билан мана шундай унутилмас кунларга, буюк марраларга етиб келишимизга беқиёс ҳисса қўшган инсонлар, барча қурувчилар, темир йўл соҳасининг моҳир ишчи-хизматчиларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бу қувончли кунни халқимиз, жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси неча йиллар давомида орзу қилгани, ота-боболаримиз учун армон бўлган бу бахт албатта бизларга насиб этади, деб айниқса охирги йилларда интизорлик билан кутгани сир эмас.

Мен бугун барча дўстларим, қадрдонларимга, мана, биз сизларга берган ваъдамизнинг устидан чиқдик, бугун Ўзбекистон учун ҳақиқатан ҳам мустақил тараққиётимиз солномасига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган тарихий бир кундир, деб катта мамнуният билан таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги воқеанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирганда, аввало Қамчиқ туннели орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг маркази ва бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган ушбу темир йўл қуриб битказилиши билан Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий транспорт коммуникация тизими тўла шаклангани, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга ҳурсандчилик ва ғурур-ифтихор етказади.

Юртимиз заминида кўп асрлар давомида шундай ачинарли ҳолат юзага келган эдики, халқимиз ўртасида "олтин водий" деб ном олган Фарғона водийси Қамчиқ довони туфайли Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган эди. Барча коммуникация тармоқлари, аввалambор, транспорт-логистика алоқаси қўшни давлат ҳудуди орқали амалга оширилар эди. Табиийки, бундай ноқулай ҳолат бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 10 миллиондан зиёди яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатиши бўйича жиддий муаммоларни юзага келтираётган эди.

Ўзим гувоҳ бўлганман: одамларимиз узоқ йиллар давомида Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар келишини орзу қилиб келарди. Бугун барчангизни, аввалambор, ўзбек халқини, хитойлик ҳамкорларимизни, менинг дўстим, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларини мана шундай улкан ғалаба билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиман, келинглар, мана шу залда ўтирганлар ва Қамчиқ туннели олдида йиғилган, бизни кўриб турган юртдошларимиз ва хитойлик дўстларимиз, ҳаммамиз биргаликда 1 миллиард 300 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мамлакат раҳбарига, менга руҳан яқин бўлган, доимо ўзининг қатъияти ва матонатини намойиш этиб, айтган сўзининг устидан чиқадиган, ўз ваъдасини албатта бажарадиган Си Цзиньпин жанобларига миннатдорлик билдириб, унга катта раҳматлар айтайлик.

Миқёси ва кўламига кўра жуда улкан ва мураккаб бўлган бундай замонавий лойиҳани айнан ҳозирги кунда – мустақил Ўзбекистоннинг салоҳият ва имкониятлари янада юксалиб бораётган бир пайтда амалга оширишга эришганимиз албатта бежиз эмас.

Мазкур ноёб иншоот қурилишини муваффақиятли амалга оширганимизнинг яна бир муҳим омили замонавий туннель қурилиши учун бош пудратчи сифатида Хитойнинг дунёга машҳур "Чайна рейлвей тоннель групп" компанияси танлаб олинганидадир. Бу компания ўз зиммасидаги вазифани аъло даражада амалга оширди. Қисқа муддатда, яъни бор-йўғи 32 ой ичида асрий қоя-тошлардан иборат мураккаб тоғли ҳудудда хитойлик қурувчилар томонидан узунлиги 19,2 километрни ташкил этадиган туннель барпо этилди.

Айни шу даврда бизнинг "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятимиз, бугунги кунда барчани, бутун Ўзбекистон халқини, шахсан мени ҳайратда қолдираётган азму шижоатли қурувчиларимиз том маънода буюк ишларни амалга оширди. Ва мен уларнинг мардона меҳнатини юксак баҳолаб, мана шу туннель ва Ангрен – Поп темир йўли билан бирга бутун Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган ютуқларга муносиб ҳисса қўшгани учун барча темирйўлчиларга таъзим қиламан.

Ҳаммангизга яхши маълум, мазкур электрлаштирилган темир йўлнинг умумий узунлиги 123 километрдан иборат. Қурилиш жараёнида хитойлик ва ўзбекистонлик қурувчилар, ишчи ва муҳандислар, мутахассислар ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боргани, ўзларининг қандай мустаҳкам ирода, юксак касб маҳоратига эга эканини намоён қилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ушбу лойиҳа доирасида 2 та вокзал, 8 та янги станция, йўловчилар платформалари, юқори қувватга эга бўлган 4 та подстанция барпо этилди. Шу билан бирга, ғоят мураккаб муҳандислик иншоотлари, умумий узунлиги 2,5 километр бўлган 19 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, 2 та галерея, электр узатиш тармоқлари ҳамда бошқа кўплаб ишлаб чиқариш ва муҳандислик объектлари бунёд этилганини таъкидлаш лозим. Энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган, жаҳон тажрибасида ноёб бўлган мазкур объект қурувчиларига Фарғона водийси аҳолиси, бутун ўзбек халқи номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Энди, рухсатингиз билан, бу йўл биз учун қандай ривожланиш истиқболларини очиб бериши, унинг амалий аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, ушбу темир йўл тармоғининг қурилиши орқали мустақил Ўзбекистонда ягона ва яхлит темир йўл тизими шаклланиши ниҳоясига етказилиб, аҳолимизнинг учдан бир қисми истиқомат қиладиган Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имкони яратилди.

Шу маънода, бугун бутун Фарғона аҳли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ўзингиз тасаввур қилинг, бугунги кунда эришаётган ютуқлари билан дунё ҳамжамиятини ҳайратга солаётган давлат сифатида биз ўз ҳудудимизнинг бир қисми билан, дўст мамлакат бўлсада, лекин ўз манфаатларига эга бўлган бошқа давлат ҳудуди орқали боғланган ҳолатда бундан кейин қандай яшашимиз мумкин эди?

Иккинчидан, Ангрен – Поп темир йўлининг ишга туширилиши биз учун йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишда ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча баробар тежаш, шунингдек, Фарғона водийсининг саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан салоҳиятини ўзлаштириш имконини беради, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, ушбу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини тубдан оширади ва у келажакда халқаро транспорт коммуникациясининг энг муҳим таркибий қисмига, "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳаларидан бирининг узвий бўлагига айланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, келгусида Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон ва шу йўналишдаги бошқа давлатлар ҳудуди бўйича янги транзит йўлларини барпо этишга тўғри келадиган бўлса, айтиш мумкинки, биз бу борадаги ишларнинг катта қисмини амалга оширишга эришдик.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши нафақат мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини кескин ошириш борасида, балки кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўллардан ўтишда қийналиб келган оддий одамлар учун катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, сиз, қадрли қурувчилар, Ўзбекистон темирйўлчилари, хитойлик мутахассислар, Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти мамлакатимиз аҳолисининг оғирини енгил, мушкулини осон қилдингиз.

Ҳурматли дўстлар, ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор кўрсатиб келаётгани учун бизнинг дўстимиз – Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга, барча Хитой ва Ўзбекистон қурувчилари, лойиҳачилар, муҳандислар, темирйўлчиларга яна бир бор ташаккур айтмоқчиман. Шунингдек, мамлакатимиз транспорт тизимини бутунлай ўзгартирган ва Ўзбекистон халқи учун шундай катта қулайлик яратган бугунги тарихий воқеа билан сизларни яна бир бор самимий табриклаб, бундай улкан лойиҳани амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ АНГРЕН – ПОП ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, ҳурматли вазирлар, хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан биргаликда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли туннелининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Аввалambор, барчангизни Хитой ҳукумати, халқи ҳамда шахсан ўз номимдан мазкур туннелнинг расмий очилиши билан табриклайман. Хитой ва ўзбек мутахассислари, қурувчиларига ва умуман, ушбу лойиҳани амалга оширишда қатнашган барча инсонларга самимий ташаккуримни етказмоқчиман.

Юксак даражада амалга оширилган ушбу лойиҳа учун барчангиздан миннатдорман.

Ғоят муҳим инфратузилмага эга бўлган лойиҳа сифатида барпо этилган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли Ўзбекистон темир йўл тармоғини такомиллаштиришда, Фарғона водийсининг бошқа ҳудудлар билан транспорт алоқасини яхшилашда, шунингдек, бутун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Қамчиқ туннели Ангрен – Поп темир йўлининг энг муҳим бўғини ҳамда қурилиш лойиҳасининг мураккаб қисми ҳисобланади. Гап унинг узунлиги ва муҳандислик нуқтаи назаридан бошқа мураккаб хусусиятлари тўғрисида бормоқда. Хитой ва Ўзбекистон мутахассислари уч йил давомида ҳамжиҳатлик билан биргаликда самарали меҳнат қилишди, катта жасорат кўрсатиб, барча қийинчиликларни енгиб ўтишди ва шу тариқа Марказий Осиёда энг узун темир йўл туннелининг қурилиши муваффақиятли амалга оширилди. Бу иншоот "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳасининг қурилиши соҳасида Хитой – Ўзбекистон ҳамкорлигининг улкан ютуғи бўлди. Шу билан бирга, бу лойиҳа халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Йўл-транспорт соҳасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" лойиҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу икки томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор асосидир. Биз Ўзбекистонга минтақавий транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳал қилувчи бўғин сифатида муҳим аҳамият қаратамиз ва бу борада ўзбекистонлик шериклариимиз билан ҳамкорликни оширишдан, икки мамлакатни ривожлантириш йўлида қулай шароит яратиш учун ушбу ҳудудда инфратузилмалар бўйича ўзаро алоқаларни мунтазам ривожлантириб боришдан манфаатдормиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, вазирлар, хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Хитой ва Ўзбекистон биринчи навбатда самимият ва ўзаро ишонч руҳини қадрлайдиган қўшнилар, яқин дўст ва ишончли шериклардир. Ўтган 24 йил мобайнида ўрнатилган алоқаларимиз, икки томонлама ҳамкорлигимиз юксалиб, ривожланиб бормоқда. Айниқса, 2013 йили мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик алоқалари ўрнатилганидан сўнг Хитой – Ўзбекистон муносабатлари янги ривожланиш босқичига кўтарилди. Ўзаро сиёсий ишонч, манфаатли стратегик ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йўлда катта ютуқларга эришилди. Бугун эрта тонгдан ўзаро мулоқотларимизни давом эттириб, Ўзбекистон Президенти билан икки томонлама муносабатларимизни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтаришга қарор қилдик. Бундан кейин ҳам икки халқ фаровонлиги йўлида улкан ютуқларга эришиш учун ўзбек дўстларимиз билан биргаликда ҳамкорлигимиз ривожига ўзимнинг куч-ғайратимни сарфлашга тайёр эканимни билдирмоқчиман. Хитой – Ўзбекистон ҳамкорлиги замирида бутун бир келажак мужассамдир. Ҳамкорлигимиз кўлами янада кенгайиб, унинг истиқболи ёруғ бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

2016 йилнинг 22 июнь куни узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва 19,2 километрлик Қамчиқ туннели муддатидан олдин – 32 ойда қуриб битказилди

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами шукуҳи билан яшаётган халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳолиси ушбу бетимсол бунёдкорлик иншоотининг ишга туширилишини катта мамнуният билан кутиб олмоқда. ЎзА мухбирлари бир гуруҳ юртдошларимизнинг мазкур тарихий воқеа ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.

Улуғбек УМАРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси муҳандиси:

– Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасини Фарғона вилоятида турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, Фарғона шаҳрининг бугунги қиёфасини олайлик. Бу ерда аҳоли турмуш фаровонлиги учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади.

Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний проспектлари, Сайилгоҳ, Форобий сингари файзиёб кўчаларнинг ажиб манзарасидан кўзингиз қувнайди.

Минг ўринли санъат саройи, 20 минг ўринли стадион шаҳар чиройига чирой қўшмоқда. Мустақиллик кўчасида "Ёшлар маркази"нинг бунёд этилгани навқирон авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Янги бунёд этилган турар жойлар, бино ва иншоотлар шаҳарнинг янги даврини бошлаб берди. Рангли ва мусиқали фавворалар, дам олиш масканлари, хиёбонлар юртдошларимиз билан гавжум.

(Давоми 2-бетда)



МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида турли байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар ўтказилаётир.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари томонидан ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари И.Мирзаалиев, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори С.Бобоқулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тинч ва осуда ҳаётимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Байрамнинг тинч-осойишта, кўтаринки кайфиятда, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтишида маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга етказиш, уларни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида маҳаллаларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадбирда маҳаллаларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирларни юқори савияда ўтказиш, бу борадаги эзгу ишларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС



ЎзА олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йўл қурилиши соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб, жуда кўп бунёдкорлик ишларида иштирок этганман. Аммо пурвиқор тоғларнинг нақ кўксини ёриб, қарийб 20 километрлик туннель қуришни кўз олдимга сира келтиролмасдим. Жуда мураккаб иш-да! Телевизорда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг очилишига бағишланган кўрсатувни кўриб, рости, ҳайратдан ёқа ушладим. Мен қурувчи бўла туриб шунча ҳайратланаётган бўлсам, бошқалар қандай ҳаяжонланаётган экан, деб ўйладим. Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига илгари ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонимиз ўзининг ягона ва яхлит темир йўлига эга бўлди.

Шерзоджон ПОЛВОНОВ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши раиси:

– Бугун бутун дунё ўзбек ёшларига ҳавас қилади. Ҳар куни қайсидир бир тенгдошимнинг эришган ютуғини кўриб, ўқиб, эшитиб қолсам, шундай Ватаннинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Инсон ва унинг шаъни улуғланган, мен каби ёшларга улкан имкониятлар яратилган жаннатмонанд юртда яшаётганимдан қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади.

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар камолотига, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик туфайли кўплаб ёшлар жаҳон миқёсида юксак натижаларга, мартабаларга эришмоқда. Шундай кенг шароитлар, бекаму-кўст имкониятлар яна қайси юртда бор?!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бизни ҳам буюк аждодларга муносиб бўлишга ундайди. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши маросимида иштирок этиб, қалбим чексиз фахр-ифтихорга тўлди.

Йўлда келаётганимизда ёши улуғ инсонлар болалик хотираларини эслашди. Уларнинг ғамнок, дилхун ҳикояларини эшитиб, ғалати бўлиб кетдим. Яширмайман, кўзимга ёш келди. "Болаларим, сизларга жуда ҳавасим келади. Чунки сиз фикр қулчилигидан ҳоли ёшларсиз", деди кексалардан бири.

Президентимизнинг ёшларга билдирган юксак ишончини оқламоғимиз, ўзингни кўрсат, ўзбек фарзанди нималарга, қандай буюк ишларга қодир эканини амалда намойиш қил, деб яратиб қўйилган шундай кенг имкониятлардан унумли фойдаланишимиз шарт.

Расулжон МАДУМАРОВ, Қўқон минтақавий темир йўл узели бошлиғининг Андижон минтақаси бўйича ўринбосари:

– Мураккаблиги ва ўзига хос бошқа жиҳатлари билан дунёдаги саноқли қурилишлардан бири бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши Ўзбекистон қандай давлат экани, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳиятини яна бир бор жаҳон узра намоён этди.

Йилига 4,6 миллион тонна юк ҳамда 600 минг йўловчи ташиш имконига эга бўлган мазкур темир йўлнинг Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини ривожлантиришдаги аҳамияти ниҳоятда катта.

Шу ўринда Андижон темир йўл вокзалининг тўла қайта қурилиб, замонавий қиёфа касб этганини ҳам алоҳида фахр билан айтмоқчиман. Қурилиш ва реконструкция ишлари учун қарийб 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Вокзалда зарур барча инфратузилмалар барпо этилди, бу йўловчиларга қатор қулайликлар яратиш билан бирга, хизмат кўрсатиш сифатини янада юқори даражага кўтаради.

Темир йўл Фарғона водийси аҳолиси учун жуда катта қулайликлар яратади. Илгари водий аҳли бирор вилоятга бормоқчи бўлса, аввал Тошкентга бориб, кейин бошқа транспортга ўтирар эди. Янги темир йўлнинг ишга туширилиши ана шу сарсон-саргардонликни бартараф этди.

Севара ФОЗИЛЖОНОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Андижон санъат коллежи битирувчиси:

– Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросимида мен ҳам иштирок этдим. Президентимиз ушбу ғоят улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Уч йил аввал Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши ҳақида эшитиб, бобомга айтсам, ишонмадилар. Ростлигини билгач, роса қувониб кетдилар. Чунки бобом асли темирйўлчида! Ўшанда ёнларига ўтирғизиб олиб, ушбу темир йўлнинг иқтисодиётимизда тутадиган стратегик аҳамияти, хусусан, мамлакатимиз экспорт ва транзит салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида эринмай гапириб бергандилар...

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг очилишига бағишланган кўрсатув намойиш этилди. Интервью бергандим. Шуни бобом кўриб қолиб, йиғлаб юбордилар. Юпатмоқчи бўлсам, бу қувонч ёшлари эканини айтиб, пешонамдан оҳиста ўпиб қўйдилар ва "Болаларим, сенларга жуда ҳавасим келади, жаннатда яшаяпсизлар", дедилар...

Бобом ҳақ. Бунга истаганча мисоллар келтириш ва беадад давом эттириш мумкин. Биз у кунларни кўрмаганмиз (илоҳим кўрмайлик), тарих дарсликларида ўқиганмиз, фильмларда томоша қилганмиз ва кекса авлод вакилларидан эшитганмиз. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаган. Буни ҳамма, айниқса, биз, ёшлар билишимиз керак. Токи, бугунги тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етайлик. Мамлакатимизнинг бундан-да юксалишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

Абдуназар ДЕҲҚОНОВ, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Бураматут" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

– Қишлоғимизга раис этиб сайлашганида, қандоқ бўларкин, деб бироз иккиланган эдим. Янглишган эканман.

Қишлоқ аҳли билан ишлаш гаштли. Ўзинг таниган, билган одамларнинг қувонч ва ташвишига доимо шерик бўласан. Айниқса, аҳолига нафинг текканда, ёшу қари "Барака топинг, оқсоқол!", деганда барча машаққатлар батамом унут бўлади.

Қишлоғимиз катта, одамларимиз аҳил, меҳр-оқибатли. Хонадонларнинг рўзғори бут. Ҳунармандлик, боғдорчилик, гулчилик, чорвачилик дегандай, ҳар бир оиланинг ўз даромад манбаи бор. Касаначи аёлларимиз қанча!

Тунов куни Ўринбой ҳожи мақтаниб қолди – қишлоғимиз спортчи ёшларининг олтин ва кумуш медаллари анча кўпайибди. Кўплаб ўсмирларимиз халқаро мусобақалар ғолиби экан. Яна қишлоғимиздан чиққан футболчи йигитларимизни дараклаб номдор клублардан "совчи"лар келишаётганига нима дейсиз?!

Дарвоқе, биз томонларда оламшумул янгиликлар бор. Энг муҳимини айтаман. Бундан нари борса икки ярим йил аввал Президентимиз ташаббуси билан водий тарафга темир йўл қуриш ишлари бошланган эди. Минглаб одамлар улкан бунёдкорлик иштиёқи билан яшаб, ишни муддатидан олдин битиришди. Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, юртимиздаги тинчлик, осойишталик туфайлидир. Тасаввур қиляпсизми, энди бизнинг қишлоғимиз ҳам "чекка ҳудудлар" деган рўйхатдан ўчди.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйига муносиб совға бўлди.

Бунёдкорлик бизга аждодларимиздан мерос. Буюк зотлар қадами теккан бу тарихий манзиллардан истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистонимиз равнақига равнақ, халқимиз фаровонлигига фаровонлик қўшадиган, Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қиладиган темир йўл ўтгани билан ҳар қанча фахр-ифтихор этсак арзийди. Бу йўллар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу тарихий воқеа, бетимсол иншоот наинки халқимиз, балки бутун минтақа, қолаверса, дунё аҳлида ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда.

(ЎзА)

ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва лейтенант унвони топширилди. Шу муносабат билан билим юртида тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, соҳавий хизмат вакиллари, шунингдек, битирувчиларнинг яқинлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ички ишлар тизимида офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник асосда йўлга қўйилмоқда, бу борада таълимни моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг йўлга қўйилган.

Ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги академияси етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда тингловчиларнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун жаҳон андозаларига мос келувчи ўқув ва моддий-техникавий база яратилган. Академиянинг инновацион педагогик технологиялар маркази, Таълим телевизион маркази, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозланган маъруза заллари, "Одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш" интерфаол ўқитиш маркази, Криминалистик тадқиқотларни ўрганиш маркази, "Намунали милиция таянч пункти" ўқув маркази ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази тингловчиларни ўқитишда таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

2015 йилда ушбу таълим муассасасида замонавий талабларни инобатга олган ҳолда янги Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Унга кўра назариёт ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида кундузги таълимнинг 2-ўқув курсидан бошлаб мутахассислик йўналишлари бўйича ўқитиш ташкил этилди. Шунингдек, ислоҳотлар натижасида дастлабки тергов ва криминалистика, криминалистик экспертизалар, махсус техника ва алоқа, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти ҳамда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар сингари янги кафедралар ташкил этилди.

Бугун мазкур даргоҳнинг навбатдаги битирувчилари халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ўз хизмат вазифаларини бажаришга йўл олмоқдалар.

– Юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, – дейди битирувчи Шоҳинур Жумаев. – Бугун ана шундай шарафли ишни бошлаш арафасида турганимдан қувончим чексиз. Биз тўрт йил давомида билим юртининг профессор-ўқитувчиларидан соҳанинг назарий ва амалий билимларини қунт билан ўргандик. Олган билим ва малакамизга таянган ҳолда фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Тантанали тадбир иштирокчилари мутахассислик дипломи ва офицерлик унвонига эга бўлган ёш кадрларга юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш каби масъулиятли вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тиладилар.

Абдуалим САЛИМОВ

Шаҳримизда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига жамоат транспорти орқали тўлақонли хизмат кўрсатилишини ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада автосаройлардаги транспорт воситалари таркиби замонавий автоуловлар ҳисобига янгиланиб туради, уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам талаб даражасида йўлга қўйилган.



Транспорт

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Жумладан, "5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатилишига муҳим эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи натижаларига назар ташлайдиган бўлсак бунинг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, ўтган вақт мобайнида автосарой жамоаси томонидан жами 5 миллион 837,4 минг йўловчи манзилларига бехатар элтиб қўйилди. Натижада прогноз кўрсаткичлари 101,1 фоизга бажарилди. Беш ойлик якунларига кўра жами олинган даромад 5 миллиард 390,8 сўмдан иборат бўлди ва прогноз режаси 115,4 фоизга адо этилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан даромаднинг ошиши 12,1 фоизни ташкил этди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деган нақл бежизга айтилмаган. Лозим даражадаги иш ва ҳордиқ чиқариш шароитларининг яратилганлиги ушбу автосаройда ҳам албатта муваффақиятлар омили бўлмоқда. Чунончи, ҳайдовчилар бўш вақтларида дам олиш хонасида ҳордиқ чиқарадилар. Ёзги мавсумда ишчи-ходимларнинг фарзандлари "Транспортчи авлод" ва "Автомобилчи" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар. Ходимлар учун эса "Автомобилчи" оромгоҳи қошидаги соғломлаштириш зонасида, шунингдек, республикамиздаги санаторийларда кўнгилли ҳордиқ чиқариш шароитлари яратилган.

— Автосаройимизда 20 йилдан ортиқ вақтдан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган ҳайдовчилар кўплаб топилади, — дейди "5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти директори Шоҳруҳ Каримов. — Мирзоҳид Мирсалимов, Абдуқаҳҳор Шодиев, 44-йўналиш бригадири Алишер Ёров, Улуғбек Шукуров, Жуман Маматқулов, Комил Йўлдошев, Зафар Анорқуловлар шулар жумласидандир. Мана шундай ўз ишининг устаси бўлган масъулиятли ходимларнинг саъй-ҳаракатлари билан режаларимизни ортиғи билан бажариб, ҳамшаҳарларимизнинг узоғини яқин қилмоқдамиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Маслаҳатчиларнинг фаолиятини чуқур ўрганиш, улар меҳнатини рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилган танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 18 нафар маслаҳатчи учта шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

● Жиззах шаҳридаги "Жиззах" санаторийсида "Қарияларни қадрлаш – муқаддас бурчимиз" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг Балиқчи туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, банк мутахассислари, тадбиркор хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

● Наманганда жорий йилнинг ўтган даврида бандлик дастури ижросини таъминлаш бўйича эришилган натижалар ва навбатдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар оромгоҳи қошида "Интеллектуал ривожлантириш" оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда билимлар беллашуви ва фан олимпиадасида ғолиб бўлган 500 нафар истеъдодли ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

ЖАҲОНДА

● "Buston Dynamics" муҳандислик компанияси "SpotMini" роботини ихтиро қилди. У оддий робот бўлмасдан, хонадондаги айрим уй-рўзғор ишларини мустақил равишда бажара олади. Яъни, робот ҳисоблагич ва камера билан таъминланган бўлиб, бу унга ҳаракатланиш мумкин бўлган майдонни аниқ белгилаб олишига ёрдам беради. Зиналар бўйлаб кўтарилиш ҳам робот учун муаммо туғдирмайди.

● Бразилия ҳукумати Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинлари вақтида хавфсизликни таъминлаш учун 850 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Сабаби, мусобақа ташкилотчилари ўтган ҳафтада молиявий ҳолатнинг оғирлигини маълум қилган ҳолда, ҳукуматдан бу борада ёрдам сўрашган эди.

● Мадагаскар пойтахти Антананаривуда террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Аҳоли гавжум жойда граната портлатилиши натижасида камида 84 киши турли даражадаги тан жароҳатини олди.

● Хитойнинг "Space Vision" корпорацияси муҳандислари илк маротаба ичига парашют бирлаштирилган аэрокосмик костюмни фойдаланувчиларга намойиш этди. Мазкур ихтиро хитойликларга космосни забт этиш ва мураккаб ракета тизимидан фойдаланмаган ҳолда махсус парашют ёрдамида Ерга қайтиш имконини беради. Хабарларга кўра, лаборатория мажмуаси олимлари биринчи технологик синов бир неча ой ичида ўтказилишини айтишган. Хитойлик олимлар космик технологияларни ривожлантириш борасида мутлақо янгича усулни кашф этиш орқали соҳада катта бурилиш ясади.

Айни дамда юртимиздаги олий таълим муассасаларида 2016-2017 ўқув йили учун қабул жараёнлари қизғин давом этмоқда.

Абитуриент — 2016

ТАЛАБАЛИК ДАВРИ ОСТОНАСИДА

Мамлакатимизда йўлга қўйилган 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълим, икки босқичли олий таълим тизими замонавий билим ва касб-ҳунарларни мукаммал эгаллаган ёш кадрларни тайёрлашда юксак самара бермоқда.

Ёшларнинг бу борада яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиши, бирор соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишига интилиши кучаймоқда. Буни талабаликка даъвогарлик қилаётган абитуриентлар сони йилдан йилга кўпаяётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун таълим олиш иштиёқида бўлган ёшлар ўзлари танлаган олий таълим масканларига ҳужжат топширимоқда. Абитуриентлар ва ота-оналарга бу борада зарур шарт-шароитлар яратилган. Мамлакатимиздаги матбуот нашрлари ва олий ўқув юртларининг интернет тармоғидаги сайтлари орқали қабул жараёнлари, тест олинадиган фанлар ҳақида етарлича тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Президентимизнинг 2016 йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори асосида барча олий таълим муассасаларида ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди ва 20 июндан ҳужжат қабул қилиш ишлари бошланди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам қабул жараёнлари режага асосан олиб борилмоқда. Мазкур институт, "Ўзбекистон темир йўллари" Акциядорлик жамияти тасарруфидаги замонавий олий таълим муассасаси ҳисобланиб, темир йўл соҳасига юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришга ихтисослашган олий таълим муассасаси сифатида чет мамлакатлардаги олий ўқув юртлари орасида ҳам юқори нуфузга эга.

Ўқув масканининг қабул комиссияси абитуриентлар билан гавжум. Қабул комиссияси маълумотига кўра, бу йил институтга бакалавр таълимининг тўрт йўналиши бўйича 895 нафар талаба қабул қилинади.

– Темир йўл соҳаси юртимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли темир йўл инфратузилмаси янада такомиллашиб бормоқда, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Баратов. – Дунё стандартларига жавоб берадиган замонавий техника ва технологиялар амалиётга кенг жорий этилмоқда. Шундай тизимда ишлаш ёшларимиз учун эзгу мақсадга айланмоқда. Буни институтга ҳужжат топшираётган ёшлар сони йилдан йилга кўпаяётгани ҳам яққол исботлайди. Ўқув даргоҳимиз ўзининг бой анъанаси, тарихи, таълим ва илмий-тадқиқот соҳасидаги ўрни билан мамлакатимизда юқори мавқега эга олий ўқув юртларидан бири-дир. Жорий йилда ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси, электромеханика ҳамда иқтисодиёт факультетларига ҳужжат топширувчи абитуриентлар сони кўпаймоқда. Қай соҳада бўлмасин ўз касбини мукаммал эгаллаган билимли ёшлар келажакда мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши уларнинг она Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчидир.

Ҳа, бугунги баркамол авлод эртанги нурафшон кунимизнинг давомчиларидир. Уларнинг ўз билим ва малакаси билан юрт равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиши эса эл олдидаги эзгу мақсади ҳисобланади.

Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни 20 июлгача давом этади. Билимга чанқоқ барча ёшларга омадлар тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Ислом Исмоилов олган сурат

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари, давра суҳбатлари, маърифий учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда юртимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, тинчлик каби улуғ неъматларнинг қадрига етиш ҳақида сўз юритилаётир.

Ана шундай тадбирлардан бири "Ипотека банк" АТИБ ва "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, банк ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда истиқлолгача бўлган давр, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳақида сўз юритиб ўтди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, банк-молия соҳасида кўплаб ютуқларга эришилди. Юртимиз тижорат банклари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этиб келинмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлар кенг кўламда молиявий қўллаб-қувватланаётир.

— Биз давлатимиз тарихига муҳим воқеа бўлиб кирадиган, яъни мустақиллигимизнинг 25 йиллигини кенг нишонлаш арафасида турибмиз, — дейди "Ипотека банк" АТИБ иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов. – Бу даврда банк соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Банкимиз фаолиятига 11 йилдан ошганига қарамай мамлакатимиздаги етакчи банклардан бирига айланди. Энг улуғ байрамимиз олдидан ташкил этилган мана бу тадбир ходимларимизнинг маънавий савиясини юксалтириш, ватанпарварлик туйғуларининг янада шаклланишига хизмат қилади.

Шунингдек, тадбирда инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиришда бадиий адабиётларнинг ўрни беқиёс эканлиги, ёшларни баркамол инсон бўлиб вояга етишида, кенг дунёқарашга эга, ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларининг шаклланишида китобларнинг аҳамияти катта эканлиги айтиб ўтилди. Бугун пойтахтимизда Марказий Осиёда ягона бўлган "Китоб олами" савдо мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мажмуада 6 минг номдаги 70 мингдан зиёд 18 жанрдаги адабиётлар мавжуд бўлиб, мажмуа томонидан бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

"Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси томонидан ташкил этилган кўргазмали ярмарка йиғилганларда ижобий таассурот қолдирди.

Абдували СОДИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

"МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РЕСПУБЛИКА ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ" МАВЗУИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этиш;

2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгни, анъаналар ҳамда урф-одатларни тиклаш, буюк сиймоларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича чексиз имкониятлар тақдим этган мустақилликнинг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолаларни тайёрлаш;

3. Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ҳамда элатларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва удумларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган "ўзбек модели"нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш;

5. Ўзбекистонда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш;

6. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини акс эттирувчи холисона ҳамда ишончли ахборотни инглиз ҳамда бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида ихтисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва Интернетда жойлаштириш;

7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамоат ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернетдаги ихтисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш;

8. Хорижий аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестивалларда, миллий ошхона ва бошқалар)-ни оммалаштириш;

9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш;

10. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гўзаллиги ва хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035,Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг ***www.fundngo.uz*** *расмий веб-сайтида танишиш мумкин.*

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 105-уй манзилида жойлашган маъмурий бино.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдон – 1 908 кв.метр.

Бошланғич нархи – 6 347 024 535 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

II. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган маъмурий бино.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 7 550 кв.метр;

Бошланғич нархи – 26 360 682 756 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

III. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 109-уй манзилида жойлашган маъмурий бино.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 3 618 кв.метр;

Бошланғич нархи – 11 725 972 832 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 1 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 16, 31 август, 16 сентябрь, 3, 18 октябрь, 2, 17 ноябрь, 2, 20 декабрь ва 2017 йил 4, 19 январь, 3 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"СЕРГЕЛИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2016 йил 29 июнь куни соат 11:00 да ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан газетанинг 2016 йил 15 июнь куни №121-сонида чоп этилган "Сергели деҳқон бозори" АЖнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги 17 масала қуйидагича ўқилсин:

17.Корпоратив бошқарув Кодексини жорий этиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш. Куйидаги қўшимча масала киритилсин:

20.Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:

- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари





ЎзА олган суратлар

Россияда 2018 йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртоқлик учрашувлари ўтказиш борасида келишувга эришди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Самвел Бабаян бошчилигидаги терма жамоанинг навбатдаги ўртоқлик ўйинидаги рақиби Ироқ терма жамоаси бўлади. Ироқ билан ўтказиладиган назорат баҳси 24 июль куни, Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоаси август ойида пойтахтимизда яна бир ўртоқлик учрашуви ўтказиш бўйича келишувга эришган. 24 августда бўлиб ўтадиган ушбу беллашувдаги рақиб — Яман терма жамоаси бўлади. Мазкур учрашув ҳам "Бунёдкор" стадионида ўтказилиб, Тошкент вақти билан 19:00да бошланади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш босқичини 1 сентябрь куни Тошкентда Сурия терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайди.

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 14-тур беллашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлди.

Биринчиликда фақат ғалабаларга эришиб, жорий йилда ўз муҳлисларини ҳушнуд этаётган пешқадам "Локомотив" жамоаси ушбу турда Бекободда "Металлург" клуби билан куч синашиб, муҳим очколардан маҳрум бўлди. Муросасиз ва қизиқарли курашларга бой кечган баҳс 3:3 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Дарвозаларга голларни "Металлург"дан — З.Абдуллаев, Д.Каримов, М.Тошматов, "Локомотив"дан — Т.Абдухолиқов, С.Шоаҳмедов ва И.Тўхтахўжаев киритишди.

Олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоасига эса ушбу турда омад кулиб боқди. Тажрибали мураббий А.Мочинов "Обод" мураббийлар штабида фаолият бошлагач, сафардаги дастлабки ғалаба қўлга киритилди. 19-дақиқада Ш.Норхонов томонидан мезбон жамоа "Андижон" дарвозасига киритилган ягона гол пойтахтликларга 3 очкони туҳфа этди.

Ушбу турда "Локомотив"нинг муҳим очкодан маҳрум бўлиши "Бунёдкор"га қўл келди. Наманганда "Навбаҳор" меҳмони бўлган тошкентликлар сермазмун ўйин намойиш этиб учрашувни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Дарвозаларни "Навбаҳор"дан О.Пишур (автогол), Д.Жабборов, "Бунёдкор"дан — Ш.Нурматов ва Э.Шомуродов аниқ нишонга олишди.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" ўз майдонида "Олмалиқ" билан куч синашиб иродали ғалабага эришди. Меҳмонлар вакили Д.Туроповнинг 4-дақиқада "Пахтакор" дарвозасига гол киритиши бироз муҳлисларни ҳаяжонга солди. Аммо, ҳужумчи И.Сергеев ўйинда иккита голга муаллифлик қилди ва "Пахтакор" 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" — "Машъал" — 0:1, "Қизилқум" — "Нефтчи" — 0:0, "Кўқон – 1912" — "Шўртан" — 4:2, "Насаф" — "Сўғдиёна" — 2:1.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЯНА БИР ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган навбатдаги халқаро мусобақада Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги олимпия ўйинларига йўлланма олган вакилларимиз сафи яна биттага кўпайди.

Аёллар ўртасида 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриш йўналишида баҳс олиб борган Валентина Кибальникова ёзги олимпиада нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Гарчи югуриш вақтида Валентина битта тўсиқни йиқитиб юборган бўлса-да, бу ҳолат натижага кўп ҳам салбий таъсир кўрсатмади. Ҳамюртимиз белгиланган масофани роппа-роса 13 сонияда босиб ўтди. Маълумки, ушбу йўналишда олимпиада нормативи 13,03 сонияни ташкил этади.

Шу тариқа, енгил атлетика спортида олимпиада учун кўлга киритилган лицензияларимиз сони 17 тага етди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги олимпия ўйинларидан олдин кўпгина маҳоратли спортчиларимиз тайёргарликни авжига чиқаришган.

КУБОК БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ҳамюртларимиз халқаро ўқув-йиғин машғулотларида ёки шахсий мураббийлари қўл остида шуғулланиб, ўз имкониятларини бир қанча мусобақаларда синаб кўришмоқда.

Бадиий гимнастика бўйича олимпия ўйинларида иштирок этадиган вакиламиз Анастасия Сердюкова ҳам устози Севара Каримова бошчилигида бўлажак мусобақага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Анастасия ўзининг ва рақибаларининг имкониятларини яна бир синовдан ўтказиб олиш учун Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида иштирок этади.

Ушбу мусобақа 8-10 июль кунлари ўтказилиб, унда ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига йўлланма олган деярли барча спортчилар қатори 100 дан ортиқ гимнастикачилар қатнашади. Шунингдек, жамоавий йўналишда иштирок этувчи қизларимиз ҳам ўз имкониятларини яна бир бор чамалаб олишади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ҲАМКОРЛИКДАН УМИД КАТТА

Футбол бўйича мамлакатимизнинг беш карра чемпиони "Бунёдкор" жамоаси клуб расмий сайтининг хабарига кўра "InStat" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Энг сўнгги футбол технологияларини ўз ичига қамраб олган мазкур компания билан ҳамкорлик туфайли эндиликда мураббийлар футбол учрашувларини чуқур, кенг таҳлил қилиш, футболчилар хатти-ҳаракатларининг илмий, видеотасвир хулосалари, жисмоний кўрсаткичларини эртароқ аниқлаш имкониятига эга бўладилар. Дарвоқе, эндиликда футболчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатишга қодир бўлган мураббий шогирдларига хатолар устида қандай ишлаш лозимлиги ҳақида кўрсатма беради. Натижада маҳорати ошиб бораётган футболчи рақибга қарши қандай ҳаракатланишни олдиндан сеза олади. Бу рақибга қарши тактика ишлаб чиқишда қўл келади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, "InStat" — барча жамоалар ва футболчилар ҳақида батафсил статистика, маълумотларнинг тезкор янгиланиши, осон ҳамда фойдаланиш учун қулай бўлган тизимдир.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳеч нима кўнгил хотиржамлигига етмайди.

* * *

Доно вақтини, нодон нақдини қизғанади.

* * *

Ҳамма ҳам ақлли бўлиши мумкин, лекин ҳамма ҳам фаросатли бўлолмайди.

* * *

Бировнинг меҳнати кўзга кўринмайди.

* * *

Кимга куннинг ўтгани,
Кимга ишнинг битгани.

* * *

Кераклн юкнинг оғири йўқ.

* * *

Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришмайсан.

* * *

Ёмоннинг умри сароб.

* * *

Эгри йўл билан яхши ҳаётга эришиб бўлмайди.

* * *

Хаёл ҳамиша олдинда юради.

* * *

Бировнинг вақти билан ҳисоблашмаган нодон.

* * *

Аҳмоқнинг ақли билан иш қилган кулгига қолади.

* * *

Майдон полвонсиз қолмайди.

* * *

Кимни бурч тутиб туради, кимни андиша.

* * *

Аҳмоқ ўзининг ҳақиқатини ҳаммадан устун қўяди.

* * *

Ҳар бир нарсанинг сабабини аввало ўзингдан қидир.

* * *

Кўпинча сабабчини унутадилар.

* * *

Беҳуда иш – ўзингга ташвиш.

* * *

Кўпинча топган сарфлашни билмайди.

* * *

Фаросат кўп нарсани ҳал қилади.

* * *

Ваҳимачининг ҳаловати бўлмайди.

* * *

Одамлар фақат оқибатни кўришади, сабаб билан ишлари йўқ.

* * *

Бировники буюрмас.

* * *

Худбиндан инсоф кутма.

* * *

Бўлмайдиган ишнинг баҳридан ўтиш керак.

* * *

Нафси ғолибнинг ўзи мағлуб.

* * *

Ёмонлик қалбда қолади.

* * *

Ишончсизлик кўнгилни совутади.

* * *

Нодонда сабр бўлмайди.

* * *

Қандай кўз билан қарашга кўп нарса боғлиқ.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***30 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёнингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***30 июнь*** *ва* ***1 июль*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи жорий йилнинг 4 июль куни "Туркистон" санъат саройи биносида ўтказилади.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий қадриятларни ҳамда "обод турмуш" ғоясини кенг тарғиб этишда, маҳалланинг нуфузини янада ошириш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ушбу лавозимга ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланган бўлиб, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 505 та диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритиб келишмоқда.

Маслаҳатчилар бугунги кунда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган 8 та жамоатчилик комиссияларининг 4 тасида комиссия аъзоси сифатида ушбу жамоатчилик тузилмалари ишини самарали ташкил этишда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Маслаҳатчилар томонидан ўз зиммасидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида тизимли тарзда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги ижобий иш тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида бир неча йиллардан бери **"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси"** кўрик-танловини ўтказиш анъана тусини олган. Танлов 3 шартдан иборат бўлиб:

1-шарт: иш фаолиятлари бўйича тақдимот намойиш этилади.

2-шарт: билим даражаларини баҳолаш мақсадида ташкилий қўмита томонидан тайёрланган саволларга жавоб берилади.

3-шарт: эркин мавзу бўлиб, унда маслаҳатчилар ўз иқтидорлари, истеъдоди, кундалик ҳаётда, иш фаолиятида учраб турадиган турли вазиятлардан чиқиб кета олишлари, ташкилотчилик каби қобилиятларини намоён этадилар.

Бу йилги танлов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз томонидан шоду хуррамлик билан кенг нишонланаётган, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида ўтказилмоқда.

Танловни ташкил этишдан мақсад – маслаҳатчилар томонидан ўз зиммасидаги вазифалари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдан иборат.

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникацияларини инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Зульфия Абдурасуловага онаси

Зевар ая РАҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Шайхонтоҳур тумани 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси котибаси Дилдорабегим Имомовага отаси

Шукур ИМОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ